БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 163 (17.743). • 15 июль 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

XXVI

ЗАФАРЛАРИМИЗ— ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

ТАРАДДУД

Қўрғонтепа райони пахтакорлари якуловчи йилда она-Ватанга 70 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Районнинг илғор хўжаликларида ғўзалар беш марта ишловдан чиқарилиб, уч марта суғорилди. «Савай», Ҳамза номли, Куйбишев номли совхозларда ва Навоий номли колхозда ғўза парвариши, айниқса яхши ташкил этилган.

Сувчи — экинни яшнатувчи. Бу нақлга амал қилган сувчилар ғўзани қондириб суғоришга алоҳида эътибор беришмоқда. Куйбишев номли совхознинг илғор сувчиларидан Ё. Юсупов, Ё. Мўминов, Ҳ. Олимов ғўзани кечаси суғоришда кўп тажриба тўплашган. Улар ўз тажрибаларини ҳамкасблари ва ёш сувчилар билан баҳам кўришаётир. Миришкор сувчилар томонидан қондириб суғорилган, механизаторлар сифатли ишлов бераётган ғўзалар кунда бир яшнаб, гуркираб ўсяпти.

Район хўжаликларида пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кунгача 150 дан ортиқ терим агрегати сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу ишда ремонтчилардан Анвар Ойдинов, Тўланбой Абдуллаев, Қодиржон Қурбоевлар фидокорона меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Ремонтчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1980 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб бериш учун терим агрегатларини созлашни жадаллаштириб юбордилар. Улар биринчи августгача яна 100 дан зиёд пахта териш машинаси ва бошқа терим агрегатларини ремонтдан чиқаришга аҳд қилдилар.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ,
Андижон области.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

ТОЗАЛИК— САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Халқимизда озодалик—саломатлик гарови, деган гап бор. Саломатлик — бу туман бойлик. Тозалик инсон сиҳат-саломатлигининг гаровигина бўлиб қолмай, халқ маданиятининг, турмушга муносабати ва умумий савиясининг ойнаси ҳамдир. Кўркам, озода кўча ва кварталларда, маҳалла ва хонадонларда, саноат корхоналари ва муассасаларда, меҳнаткашлар кенг оммаси яшайдиган, ишлайдиган ва маданий ҳордиқ чиқарадиган жамоат жойларида бўлганингизда баҳри-дилингиз очилиб, киши қалби баҳра олади.

Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда республикамизнинг кўпгина шаҳар ва районларида, корхона ва ташкилотларида санитария-гигиена масалаларига эътибор кучайиб, тозалик ва ободончилик соҳаларида анчагина ишлар қилинди. Санитария-соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишда медицина ходимларининг ва санитария активларининг фаолияти янада кучайтирилди.

Бироқ ана шу муҳим бўлган масалага баъзи шаҳар ва район ижроия комитетлари, министрлик ва идоралар, корхона ва муассасалар, уй бошқармалари ва маҳалла комитетлари раҳбарлари етарли даражада эътибор бермаётирлар. Масалан, Тошкент шаҳрининг айрим районларида ва республикамизнинг аҳоли яшайдиган баъзи жойларида чиқиндиларнинг тўпланиб қолиш ҳоллари рўй бермоқда. Айрим умумий овқатланиш корхоналарида, озиқ-овқат билан савдо қилувчи магазинларда, бозор ва дўконларда, аҳолини ичимлик сув билан таъминловчи ва оқова сувларни тозаловчи иншоотларда санитария-гигиена қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Сув ҳавзаларининг эса баъзи бир саноат корхоналари ва унинг атрофида истиқомат қилувчи аҳоли томонидан ифлослантирилиши кечириб бўлмас ҳолдир. Редакцияга келаётган хатлардан ҳам маълумки, Тошкент шаҳридан ўтувчи Салор, Бўрижар, Анҳор, Қорасув, Бўзсув, Дархон, Ялангоч каналлари ва қирғоқлари ифлослантирилмоқда. Лекин уларнинг кўрки ва тозалигига путур етказаётган шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилмаётир.

Ҳозир айни ёз. Мева-чевалар ғарқ пишган. Бозорлар ва дўконлар ёз ноз-неъматлари билан тўлиб-тошган. Бу тўкинсочинлик ва пишиқчиликнинг муҳим бир томони бор: аҳоли яшайдиган ҳамма жойда озодаликка қатъий риоя қилинмас экан, турли ошқозон-ичак касалликларининг пайдо бўлиши турган гап. Бунинг учун тегишли ташкилотлар, биринчи галда республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари қатор оператив тадбирлар белгилаб, санитария-гигиена ишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари зарур. Эътироф этиш керакки, айрим шаҳар ва районларда санитария назорати органлари гигиена қоидаларининг бузилишига йўл қўювчи шахслар ёки ташкилотлар раҳбарларига нисбатан қаттиқ талабчанлик қилмаётирлар.

Редакция почтаси таҳлили шуни кўрсатадики, пойтахтимизнинг кўпгина жойларига аҳлат ташийдиган машиналар вақтида бормайди. Натижада чиқиндилар уч-тўрт кунлаб куннинг тиғида қизиб, пашшага макон бўлиб ётади. Бундай ҳодисани Октябрь, Киров, Куйбишев, Собир Раҳимов ва бошқа районларда учратиш мумкин. Киров районидаги Тимирязев кўчасида қачон бўлманг, уюм-уюм бўлиб ётган аҳлат ва чиқиндиларга кўзингиз тушади. Бу ҳақда на маҳалла комитети, на райижроком ва на «Автодормехбаза» раҳбарлари бош қотиришади. Санитария ходимлари эса томошабинга айланиб қолишган. Матбуотнинг бир неча бор танқидий чиқишларига қарамай, иш ҳамон жойидан жилганича йўқ. Балки, шаҳар ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар бундай бепарволикка қатъий чек қўйишар!!

Баъзи шаҳар ва посёлкаларда фаррошлар иши устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Улар кўчаларни кўпинча кундуз кунлари ёки кишилар айни ишга кетаётган ёки қайтаётган пайтда сув сепмай, чангитиб супурадилар. Шаҳар ва районлар ҳавосини, озодалигини бузаётган шахслар ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан талабчанликни янада оширишга тўғри келади. Биринчи навбатда шаҳар ва район ижроия комитетлари, республика соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик ва савдо министрликлари ва уларнинг жойлардаги ташкилотлари озодалик учун алоҳида жонбозлик кўрсатишлари лозим. Аҳоли сиҳат-саломатлиги йўлида курашишдан ҳам олижаноб, жонажон иш бўлмаса керак.

5 МИЛЛИОН 850 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН

ТЕХНИКА МАДАДКОРИМИЗ

Колхозимизда пахта ҳосилдорлигининг кўтарилишига кўз ташлайлик. 1976 йилда гектаридан 25 центнердан ҳосил олинг... йилса 1977 ...

...лар тўкилиб кетмаган тақдирда пахта миқдори ортади, бу эса машиналарнинг мижозига мос келади. Пахтаси машинада териладиган майдонлардаги ғўзалар...

...хирмони кўтариш учун курашаётган ва ғўзаларни комплекс парваришлаб кўп ҳамда эртапишар ҳосил тўпдашга эришаётган Холмамат...

...НИ ҚАНОТЛИ ...» ҚЎРИҚЛАМОҚДА

Бу ерда илгари ғўза зараркунандалари кўп ҳосилни нобуд қиларди, аммо колхозда биолаборатория ташкил қилинганидан кейин уларга қирон келтирилди. Зараркунандалар бу ердагина эмас, балки райондаги қўшни хўжаликларда ҳам тугатилди. Натижада гектар самарадорлиги анча ошди.

Ҳозирги вақтда Қашқадарё областида ана шундай бешта хўжаликлараро биология лабораторияси юз минг гектардан кўпроқ пахта майдонларини қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан қўриқламоқда. Яқинда трихограммаларни урчитувчи область биология фабрикаси ишга туширилади.

(ЎзТАГ).

...мунистларнинг бўлажак анжуманига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Жумладан 1-цехнинг Р. Тадидзе бошлиқ бригадаси аъзолари йиллик планга қўшимча равишда 350 тонна нефть қазиб олиш мажбуриятини олди.

ҲАЙДОВЧИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ

«Союзузбекгазпром» саноат бирлашмасида узоқни яқин қилаётган шоферларнинг хизмати ғоятда катта. Булар орасида Саркис Галустович Аракелян алоҳида ажралиб туради. Яқинда у беш йиллик топшириқни адо этганлиги тўғрисида рапорт берди ва партия XXVI съезди очиладиган кунгача яна бир йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди.

Илғор шофер 25 йилдан кўпроқ вақтдан бери Қизилқумнинг машаққатли йўллари орқали газ ва нефть конларига турли асбоб-ускуналар, бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб бермоқда. У барча топшириқларни ҳаммавақт аъло даражада бажаради. Ўз машинасини яхши минганлиги, яхши сақлаганлиги, маршрутларни ўрганиб олганлиги туфайли графикдан анча ўзиб ишлашга эришмоқда.

Саркис Галустович иқтисод қилиш ва тежамкорлик ҳаракатининг ҳам фаол иштирокчиларидан. У беш йиллик бошидан буён икки тоннадан кўпроқ ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаб, автомобиль резинаси хизмати муддатини анча узайтиришга эришди. Илғор шофернинг бу ибратли тажрибасини бошқармадаги бошқа ҳамкасблари ҳам ўрганиб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишга эришмоқдалар.

...фаолиятининг самаралари ...сосий мезон бўлиши лозим.

Сўнгра Бабрак Кармал ҳокимият олий органлари фаолиятига тўхталиб, министрликлар ва идораларнинг иши ...засидан қарорлар қабул ...илиш ва ижро этиш соҳасида уларнинг роли тобора кўпроқ ошиб бориши лозимлигини таъкидлади. Революцион Кенгаш ва ҳукуматнинг қарорлари, деб таъкидлади у, сўзсиз бажарилиши, шу қарорларнинг ижроси эса контроль қилиниши лозим. Революцион Кенгаш ва ҳукумат давлат аппарати хўжалик фаолиятининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиши керак.

Бабрак Кармал оддий меҳнаткашларни мамлакат халқ хўжалигини бошқариш ишига жалб этишнинг муҳим ролини уқтириб ўтди. У министрлик ва идораларнинг масъул ходимларини меҳнаткашлар ўз номларига юборган хатлар ва аризаларга диққат билан муносабатда бўлишга даъват этди.

Докладчи танқид ва ўз-ўзини танқиднинг, камчиликларни таҳлил қилишга принципиал ёндашишнинг, шунингдек шу нуқсонларни бартараф этиш ва тузатиш ишида ошкораликни кенгайтиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Бабрак Кармал пировардида давлат аппарати ходимларини халқ билан биргаликда Апрель революцияси ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ва Афғонистонда янги жамият қуриш учун АХДП теварагида жипслик ва бирликни мустаҳкамлашга даъват этди.

ИМПЕРИАЛИЗМ КИРДИКОРЛАРИ ҚОРАЛАНДИ

ТРИПОЛИ, 14 июль. (ТАСС). Ливия революциясининг раҳбари М. Каддафи империалистик давлатларнинг араб халқларига қарши қаратилган сиёсатини кескин қоралади. Империализм ва реакциянинг араб дунёсидаги кирдикорларидан асосий мақсади, деди М. Каддафи Жадо шаҳрида маҳаллий революцион комитетлар вакиллари ҳузурида сўзлаган нутқида, — араб мамлакатлари орасига адоват уруғини сочиш ва ишончсизлик келтириб чиқариш, улар бирлигини бузишдан иборатдир. М. Каддафи араб халқларини ўз ҳукмронлигига бўйсундиришга интилаётган империализмнинг хатарли режаларига қарши кескин кураш олиб боришга чақирди.

ТАДҚИҚОТ ВА АМАЛИЁТ ЭГИЗАК

Фан—ишлаб чиқаришга

Бугунги Бухоро республикамизнинг экономика, фан ва маданият гуркираб ривожланган шаҳарларидан бири, йирик илм даргоҳлари, илмий-тадқиқот институтлари ва ихтисослашган лабораториялар, ўчоғидир. Фан-техника тараққиёти Бухоро воҳасини батамом ўзгартириб юборди. Айни кунда бухоролик пахтакорлар она-Ватан хазинасига 700 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун қизғин кураш олиб боришяпти.

Олимларимиз, инженер-техник мутахассисларимиз заковати билан яратилган ишчи чизмалар ва тадқиқот натижаларининг амалиётда ўз аксини топаётгани, аввало тинч-фаровон кечираётган турмушимиз, обод, гўзал шаҳар, посёлка ҳамда қишлоқларимиз, олис Амударёдан Бухоро сари оқаётган обиҳаёт, ўзлаштирилиб чаманзорга айлантирилаётган чўллар, қудратли гидротехника ҳамда ирригация иншоотлари, кўкка бўй чўзган йирик завод ва фабрикаларимиз мисолида ҳам яққол кўриниб турибди.

КПСС XXV съездида илгари сурилган қишлоқ хўжалиги тараққиётини жадаллаштириш, уни замонавий индустриал асосларга ўтказишдек муҳим масалани ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш учун Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро тажриба станцияси мутахассислари ҳам талайгина ишлар қилдилар. Бир қанча агромелиоратив тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Станция шўрхок ерларнинг шўрини йўқотиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта тажриба тўплаган.

Очиқ, ёпиқ, тик ва майда типдаги дренажларнинг мелиоратив самарадорлигини ўрганиш, турлича схемалар бўйича алмашлаб экиш борасида ҳам қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Жумладан, барча хўжаликларга алмашлаб экиш лойиҳалари тақдим этилди. Агротехника бўйича комплекс тадбирлар, пахтачиликда бегона ўтларга қарши гербицидларни қўлланиш нормалари белгиланди. Тажриба станцияси олимлари биринчи бўлиб калийли ўғитларни Ўзбекистоннинг шўрхок экин майдонларида қўлланиш яхши самара беришини амалда исботлашга муваффақ бўлдилар. Селекционерларимизнинг кўп йиллик изланишлари натижасида юқори сифатли ўрта толали «Зар-29», «Зар-30», «Бухоро-5» ҳамда ингичка толали «Бухоро-1», «Бухоро-2» навлари яратилди. Бу навлар Давлат сорт синовидан ўтказиш ва кўпайтириш арафасида турибди.

Тажриба станцияси илмий ходимлари томонидан ҳозирги кунда Маликчўл, Ўртачўл ва Жилвон массивларидан ўзлаштирилган ерлар зонасида иккита экспериментал таянч пункти ташкил этилиб, мелиорация, ер ўзлаштириш, химиялаш, эрозияга қарши кураш, ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича тадқиқотлар олиб борилаётир. Маликчўл, Ўртачўл, Варахша, Жилвон, Қоровулбозор, Мохонкўл массивларидан янги ерлар ўзлаштириш методлари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси областда пахтачилик ва деҳқончиликнинг бошқа соҳаларини янада ривожлантиришда янги уфқлар очиб бериши шак-шубҳасиздир. Бухоро пахтаси келгусида бир миллион тоннага етказилади.

Фан-техника тараққиёти халқ хўжалигининг барча тармоқларига ўз таъсирини тобора кўпроқ ўтказмоқда. Бу борада, айниқса олий таълим системасининг роли ва аҳамияти ошиб боряпти. Олий ўқув юртларимиз ҳар томонлама баркамол, билимдон, ижодкор мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Институт кафедралари ва илмий лабораторияларида фан-техникани янада жадал ривожлантиришдек муҳим вазифа бўйича катта изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Бухоро давлат педагогика институтининг умумий физика кафедраси олимлари олиб бораётган ишлар, айниқса диққатга сазовордир. Улар қуёшнинг беҳисоб энергиясидан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш, хусусан қуёш сув чучиткичлари, иситкичлар, қуёш «қозонлари» ва бошқа хил гелиоаппаратлар яратишда муайян ютуқларга эришдилар. Бухоролик олимлар ишига АҚШ, Греция, Австралия, Ҳиндистон ва бошқа хорижий мамлакатлар мутахассислари ҳам қизиқиб қолишди.

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғиёс Умаров ва Бухоро педагогика институти умумий физика кафедраси доценти Бўрон Очиловлар раҳбарлигида институт тажриба станцияси қошида кичкина гелиополигонга асос солинган эди. Кўп ўтмай техника фанлари кандидати Туробжон Жўраев ўз устозлари раҳбарлигида ва уларнинг яқиндан берган ёрдами билан қия поғонали сув чучиткич яратди. «Узгипросельстрой» институтининг лойиҳаловчи инженери Марат Мусин ва Бухоро область қоракўлчилик совхозлари трестининг капитал қурилиш бўлими бош инженери Аслон Одинаевлар ёш олимга амалий ёрдам бердилар. Ана шундай ҳамкорлик туфайли Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида қуёш сув чучиткичларининг йирик синов қурилмаси барпо этилди. Чорвадорлар бу қурилмага юксак баҳо беришди ва уни чўл зонасидаги барча чорвачилик хўжаликларига ҳам жорий этилса деган истак билдиришди. Т. Жўраев, А. Одинаев ва М. Мусинларнинг «Қия поғонали сув чучиткич қуёш қурилмаларини тадқиқ этиш ва улардан яйловларни сув билан таъминлаш мақсадида фойдаланиш» борасидаги ижодий ишлари муносиб тақдирланиб, ҳар учала ижодкорга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти берилди.

Институт умумий физика кафедраси олимлари қуёш энергиясидан янада кенг фойдаланиш борасида илмий изланишларни қизғин давом эттирмоқдалар.

Биология фанлари доктори, профессор М. Абдуллаев раҳбарлигидаги зоология кафедраси олимлари ҳам яқинда хайрли бир ишга киришдилар. Улар Тўдакўл сув омборида балиқчилик хўжалигини яратиш устида илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини бошлаб юборишди. Шунингдек, институтнинг қишлоқ хўжалик асослари, ботаника ва бошқа кафедраларида ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларини фан ютуқлари асосида ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётир.

Тошкент политехника институтининг Навоий шаҳар филиали олимлари «Навоиазот» бирлашмаси ва электро-химия заводи базасида автоматлаштирилган бошқарув системаси проблемалари устида ишламоқдалар. Филиал билан корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида комплекс шартнома тузилган. «Навоиазот» бирлашмасида жорий этилган автоматлаштирилган бошқарув системасидан дастлаб йилига 1 миллион 343 минг сўм миқдорида фойда олинган бўлса, эндиликда ундан келаётган самара 22 миллион сўмни ташкил этаётир. Айни кунда электрохимия заводи комплекси қурилишида ҳам автоматлаштирилган бошқарув системасидан самарали фойдаланиляпти. Саноат корхоналаридан ташқари қишлоқ хўжалигида ҳам бундай системани кенг қўлланиш истиқболлари очилмоқда. Ҳозир бир неча хўжаликда электрон-ҳисоблаш машиналари, автоматлаштирилган бошқарув системалари хизматидан фойдаланилаётир. Эндиликда оптимал планлаштириш, бухгалтерия ҳисобини механизациялаштириш ва чорвачиликни бошқариш ишлари техника воситаси билан тез, осон, қулай, аниқ ва арзон бажарилмоқда.

Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси институтининг сиёсий иқтисод, технология, механика, геология кафедраларида ҳам ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва оптимал планлаштириш, гидродинамика ва иссиқлик физикаси, қишлоқ хўжалигида ернинг механик ҳолатини яхшилаш ва бошқа қатор проблемалар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, илмий-тадқиқотлар, изланишлар, фан-техника соҳасида яратилаётган янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишларни ҳали юксак талаблар даражасида деб бўлмайди. Халқ хўжалиги тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга бўлган талаб ва эҳтиёж ошмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва сифатини оширишнинг қатор янги, муҳим проблемалари келиб чиқмоқдаки, буларнинг ҳаммаси олимларимиз, тадқиқотчиларимиз, инженер-техник мутахассисларимиз зиммасига янгидан янги вазифалар юклайди. Саноатда, транспорт ва капитал қурилишда, қишлоқ хўжалигида, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар кўп.

Келгусида Тошкентдаги халқ хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларининг Бухоро филиалларини очиш, Навоийда политехника институти ташкил этиш, Бухоро давлат педагогика институти базасида давлат университети барпо қилиш, аспирантура очиш, технология институтини янада кенгайтириш, Тошкент сейсмология институтининг Бухоро филиалини ишга тушириш, янги лабораториялар, факультетлар, кафедралар очиш кўзда тутилмоқда. Булар Бухорода олий малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни янада кўпайтириш, илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнларини тезлаштириш, халқ хўжалиги тараққиётини жадаллаштириш учун кенг истиқболлар очиб беради.

О. БАФОЕВ.

Бухоро область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими мудири.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

✦ ПСКОВ

«Автоэлектроарматура» заводи конвейерларининг иш маромн тезлаштирилди. Анча мураккаб жараёнларни автоматлаштириш, янги асбоб-ускуналарни тезда ўзлаштириб олиш коллективга двигателю-цурни ишга солишдан тортиб то авария сигнализациясини ёқишгача бўлган мураккаб вазифаларни бажарувчи автомобиль приборларини ишлаб чиқаришни қарийб уч баравар кўпайтириш имконини берди.

Корхонада КПСС XXVI съезди шарафига беш йиллик топшириққа қўшимча 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинди.

✦ ТОЛДИҚЎРҒОН

«Жоломанский» совхозининг энг кекса комбайнчиси К. Е. Бурикин эллигинчи ўрим-йиғимни рекорд билан бошлади. Таниқли ғаллакор ҳар куни уч смена нормасини бажармоқда. У Толдиқўрғон ветеран-механизаторлари орасида «Ўрим-йиғим-80 гвардиячиси» деган вимпелни биринчи бўлиб олишга сазовор бўлди. 300 дан кўп механизатор-ветеран катта ғалла хирмони учун кураш олиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги комсомол ёшлар звеноларига бошчилик қилмоқда.

(ТАСС).

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР НАЗОРАТДА

ҒАЗАЛКЕНТДАН ЁНАР ЧИРОҚЛАР

Чирчиқ — нур дарёси! Қадим-қадимдан тоғ ялаб тушган сувлар тўпланиб Чирчиқ бўлиб оқади. Чирчиққа ирмоқлар уланавериб дарё ҳосил қилади. Ана шу дарё Совет ҳокимияти йилларида экономикага астойдил хизмат қиладиган даражага етдики, унинг сувидангина эмас, электр ҳосил қилувчи қудратидан ҳам самарали фойдаланиладиган бўлиб қолди. Чирчиқ дарёсида қатор ГЭСлар куну тун ишлаб турибди, халқ хўжалигига ва хонадонларимизга нур юбориб турибди.

Ана шу дарёда яна бир нурхона барпо қилинмоқда. Уни Ғазалкент ГЭСи деб атамоқдалар. Ғазалкент Чорвоқ ГЭСидан қуйироқда, ён атрофи адирликлар билан туташиб кетган дарада бунёд этиляпти. Ғазалкентда қаҳрамонона меҳнат намуналари кўрсатилмоқда. Азамат қурувчилар ва монтажчилар бу ерда умумий қуввати 120 минг киловатт бўладиган электр станция яратаётирлар. Бунёдкорлар ўнинчи беш йилликнинг охирги йилида республикамиз энергетикаси қудратини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиш ниятида станциянинг биринчи агрегатини 22 декабрь — Энергетиклар кунигача фойдаланишга топширишга азму қарор қилганлар.

Ғазалкент ГЭСининг биринчи агрегати 40 минг киловатт қувватга эга бўлади. Бу, унчалик катта қувват бўлмаса ҳам, халқ хўжалигини янада илдам суръатлар билан ривожлантиришга хизмат қилади. Биринчи агрегат барпо қилинаётган иш объекти — «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси қурувчилари ва монтажчилари учун зарбдор иншоот бўлиб қолди. Улар бутун куч ва имкониятларини агрегатни белгиланган муддатдан аввалроқ фойдаланишга топширишга сафарбар этаётирлар.

... Бош пудратчи ташкилот — «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси ҳузурида ташкил қилинган қурилиш штабининг навбатдаги мажлиси давом этмоқда. Бошқарма бошлиғи К. Кручинин ГЭС қурилишида қатнашаётган участкалар раҳбарларининг ахборотларини эшитди. У мутахассислардан маслаҳат сўрайди, раҳбарларнинг мулоҳазаларига қулоқ солади, юз бераётган камчиликларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади. Пировардида — мажлис қатнашчиларининг фикрларига асосланиб — илғор тажрибаларни умумлаштириш, айрим участкалардаги қолоқликка барҳам бериш йўлларини кўрсатади. Шу тариқа қурилиш ишларини жадаллаштириш учун сафарбарлик руҳи янада оширилди.

Қурилиш партия комитети ва бирлашган касаба союз ташкилоти КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Қурувчилар даврасида кейинги ойларда Қобилжон Серлибоевнинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бунинг сабаби бор, албатта. Қобилжон социалистик мусобақа самараларини кўпайтиришга баракали ҳисса қўшиб келаётган илғор бетончи, пешқадам бригаданинг ишчан етакчиси ҳисобланади. У бригада аъзоси сифатида шахсий ибрат кўрсатиб кун сайин баракали меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Тошкент область қурилиш ташкилотларининг хўжалик ҳисобида ишловчи илғор 20 бригадаси мусобақасининг шу йил биринчи квартал якунларига кўра, Ғазалкент ГЭСи қурилишида қатнашаётган 6-участканинг Қобилжон Серлибоев раҳбарлик қилаётган бригадаси ғолиб чиқди. Ғолиб бригада коллективи область партия комитети ва область касаба союзлари Советининг вимпели билан мукофотланди, бригада аъзоларидан 2 кишига Совет Иттифоқи бўйлаб туристик саёҳат учун бепул иккита йўлланма ажратилди. Бригаданинг иш натижалари қандай? Ўз кучи билан бригада коллективи планни 129,5 процент қилиб бажаришга эришди. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи 5 процент арзонлашди. Топширилган ишлар нормада белгиланганидан 25 кун аввал адо этилди. Бажарилган ишларнинг сифатига «яхши» баҳо берилди.

Энергетика иншооти бунёдкорлари даврасида Қобилжон Серлибоев сингари пешқадам қурувчилар оз эмас. Экскаватор машинисти Л. Майер ҳар сменада планга қўшимча иш бажаришга муваффақ бўлмоқда. Дурадгор Рисқи Раҳмедов ўз касбини улуғлаб, смена топшириқларини мунтазам равишда ошириб бажаришга эришмоқда. Бир неча касбни эгаллаб олган Неъматжон Жамоловнинг меҳнат ғайратидан бутун коллектив мамнун. Ғишт терувчи Тилла Ниёзов чаққонлиги ва ишни сифатли бажариш билан довруқ таратмоқда. Бульдозерчи А. Землянов механизаторлар мусобақасининг олдинги сафларида боряпти. Станция қурилишида социалистик мусобақа самараларини ўз ғайрат-шижоати билан кўпайтириб боришга катта ҳисса қўшаётган ана шу ғолиб бинокорлар бугунги кунда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилаётирлар.

Илғор қурувчилар, монтажчилар меҳнати ажойиб самаралар бермоқда. Станциянинг биринчи агрегати барпо қилинадиган жойда 83 минг кубометр бетонлаш, 555 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилиши кўзда тутилган эди. «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси бош пудратчи бўлган ана шу объектда «Гидромонтаж», «Спецгидроэлектромонтаж», «Сибэлектромонтаж», «Узбекгидроэнергомонтаж» участкаларининг шербилаклари қаҳрамонона меҳнат намуналарини баралла намойиш қилмоқдалар.

Ким Владимирович Кручинин ўзи раҳбарлик қилаётган «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси коллективининг ғайрат-шижоатини ифодаловчи қуйидаги рақамларни алоҳида таъкидлади: якунловчи йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 3861 минг ўрнига 4058 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бу, план 105.1 процент бажарилди, демакдир. Саноат объектлари қурилиши бўйича план ортиғи билан уддаланди. Уй-жой қурилиши соҳасида катта муваффақиятга эришилди. Мўлжалланганидан 2,7 баравар кўп уй-жой бинолари қуриб битказилди.

Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини катта меҳнат зафарлари билан нишонлашга азму қарор берган бинокорлар ваъдага вафо қилдилар. Коллектив 22 апрелда дарё ўзанини ўзгартириш учун зарур шароит яратди. Сув янгидан барпо қилинган ички канал орқали оқизилиб, асосий иншоот орқали ўтказилди. Тўғонга 200 минг кубометр тупроқ ётқизилди. Бу ерга ўрнатилган бетоннинг ҳажми 40 минг кубометрдан ортиб кетди.

Қурувчилар кетидан монтажчилар ғайрат билан ишга киришдилар. Турбина конуси ускуналари монтаж қилина бошланди. Ишчи ғилдираклари, камеранинг металл қопланадиган жойларидаги ишлар ҳар қачонгидан кучайтириб юборилди. Қурувчилар ва монтажчиларнинг бугунги матонатли меҳнати станциянинг биринчи агрегати мўлжалланган муддатдан аввалроқ фойдаланишга топширилишидан далолат бермоқда.

Иншоотнинг асосига бетон ётқизиш ишлари қизғин давом эттириляпти. Ўтган ойнинг ўзидагина 5 минг кубометрдан ортиқ бетонлаш ишлари бажарилди. 6-қурилиш участкаси июнь ойида 3574 кубометр бетон ишларини бажарган бўлса, 4-участка 1372 кубометр ва 3-участка 400 кубометр бетон ётқизди. Қурилиш штабининг кейинги мажлисида бажарилган ишлар чуқур таҳлил қилиб кўрилди, ишга солиниши лозим бўлган резервлар ҳақида жиддий гап борди. Штаб аъзолари ва етакчи мутахассислар бетонлаш ишларини жадаллаштириш мумкинлигини таъкидладилар. Штаб мажлиси қатнашчилари июль ойида камида 8 минг кубометр ҳажмида бетонлаш ишлари бажарилиши зарур, деган хулосага келдилар.

Дастлабки агрегатни фойдаланишга топшириш муддатини яна ҳам қисқартириш мумкин. Бунинг учун ишда рўй бериб турган баъзи камчиликларни тезда бартараф қилиш лозим. Қурилиш ҳузурида ишлаб турган халқ назорати группаси аъзоларининг таъкидлашича бетонлаш ишлари технологиясига қатъий амал қилиниши лозим. Арматураларни сифатсиз пайвандлашга йўл қўйилгани оқибатида бажарилган ишларни қайтадан адо этишга, бунга қўшимча куч ва маблағ сарфлашга тўғри келмоқда. Турбина биносидаги пайвандлаш ва бетонлаш ишларида рўй бераётган камчиликлар ускуналарни ўрнатиш муддатларини чўзиб юбормоқда.

Ильич чироғидан баҳра олган шаҳар ва қишлоқларимиз нурафшон. Шу йилнинг охирига бориб электр энергия яна ҳам мўл бўлиб, шаҳарлардаги саноат корхоналари, қишлоқлардаги насос станциялари, маданий-маиший корхоналар ва уй-жой бинолари Ғазалкент энергиясидан фойдаланадиган бўлади. Шоир сўзи билан айтганда — Ғазалкентдан ёнар чироқлар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

ҲАР ТУП ҒЎЗА АРДОҚДА

1980 ЙИЛ ҲОСИЛИ НАЗОРАТДА

Сўнгги икки-уч йилда Қорақалпоғистон шароитида об-ҳаво пахтачилик учун ноқулайроқ келмоқда. Табиат қийинчиликлари, машаққатлари, ташвишларини бошимиздан ўтказдик. Бу деҳқонларни тоблади. Биз курашларда чиниқиб, катта тажриба тўпладик.

Совхозимиз коллективи фидокорона меҳнат эвазига ўнинчи беш йилликнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган тўрт йиллик план ва топшириқларини ошириб адо этдилар. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида ҳам муваффақиятимиз чакки бўлмади. Давлатга пландаги 7 минг тонна ўрнига 7 минг 300 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятимизни ошириб адо этдик.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларимизни 125 гектарга кенгайтирдик. Шундай қилиб, 2115 гектар майдонга чигит экдик. Чигит экишни ўтган йилдагига нисбатан 15 кун олдин тугалладик. Гектарлар тўлалигига, кўчатлар бутлигига эришдик.

Совхозимиз ишчилари, механизаторлари якунловчи йилда ҳар гектар майдондан пландаги 37 центнер ўрнига 47,5 центнердан ҳосил кўтаришга, 7300 тонна ўрнига 10 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга қарор қилганлар. Етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти «зангори кема»ларда териб олинади. Пахтаси агрегатларда териладиган карталар машиналарга мослаб парвариш қилинмоқда.

Р. Ержонов раҳбарлик қилаётган «Комсомол», К. Раҳимов раҳбарлик қилаётган Навоий номли, О. Нуронов раҳбарлик қилаётган «Правда», С. Тожибоев раҳбарлик қилаётган Куйбишев номли бўлимларнинг ишчилари, механизаторлари ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишни кўзлаб, ғўза қатор ораларига комплекс ишлов бермоқдалар.

Бу йил совхозимизда биринчи марта 60 центнерчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. О. Худиков, Р. Абдуллаев, Р. Жумамуродов, А. Матёқубов, О. Қораев, Ю. Сафарбоев, Б. Раҳимов раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг ишчилари, механизаторлари ҳосилдорликни оширишда рекорд кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар. Ҳозир улар даласидаги ям-яшил ғўза кўзни қувонтириб, 60 центнерлик марра сўзсиз эгалланишидан далолат бериб турибди.

Шу кеча-кундузда ҳар бир туп ғўзанинг ҳосил тақдири механизатор билан сувчининг қўлида. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда СУЗ осилган 50 та культиватор, 8 та мослама ишлаб турибди. Мавсумда 950—1000 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов беришга қарор қилган Ж. Раимов, М. Ҳаитбоев, К. Ерназаров, Б. Умиров, Т. Мамутов, С. Тожимуротов каби ўнлаб механизаторлар смена нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Ғўза ҳосил тўплашга кирган шу дамларда далаларда 1200 дан кўпроқ ишчи ишламоқда.

Район партия комитети ходимлари бошчилигида хўжалигимизда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, бош сувчилар иштирокида ғўзани сифатли суғориш юзасидан кўргазмали семинар ўтказилди. Кўргазмали семинарда берилган қимматли маслаҳатлар суғоришда қўл келмоқда. Ҳозир совхозимизнинг бўлим ва бригадаларида 500 дан зиёд сувчи ғўза қатор ораларига сув тарамоқда. Совхоз дирекцияси, партия комитети сувчиларга нисбатан масъулият ва талабчанликни оширди.

Биз республика Халқ контроли комитети, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг мурожаатини ҳар бир бўлим ва бригадада ўрганиб чиқдик. Бош мутахассис ва миришкор, тажрибали деҳқонлардан иборат сифат комиссияси тузилди. Бу комиссия аъзолари культивация қилинган ва суғорилган далаларни кўздан кечириб чиқишяпти. Улар ишда рўй берган камчилик ва нуқсонларни рўйрост кўрсатишаётир. Айни пайтда бу нуқсонларни тугатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришмоқда.

М. Жумабоев, У. Қораев, Х. Бозорбоев, Ж. Бегманов, Х. Нуронов, Р. Мамутов каби сувчилар 0,5 гектар ўрнига 0,8—0,9 гектар майдондаги ғўзага сифатли сув тараб, яхши кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар. Яқинда ана шу миришкорларга уста сувчи деган унвон берилди.

Совхозимиз ишчилари, механизаторлари ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, якунловчи йилда 10 минг тонна «оқ олтин», 170 тонна гўшт, 980 тонна сут, 500 минг дона тухум, 350 тонна сабзавот, 400 тонна қовун-тарвуз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар.

Қ. УТЕПОВ,
Беруний районидаги Беруний номли совхоз директори.

МУСОБАҚАДОШЛАР

ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ

Киров каналининг соҳилида ёнма-ён жойлашган икки хўжаликнинг тарихи чўлнинг тақдирига туташиб кетган. «Красная заря» ва Фрунзе номли колхозларнинг ўзаро мусобақа шартларига имзо чекиб, меҳнат майдонида беллашувга аҳд қилганларидан буён бу каналдан қанчалар сув оқиб ўтмади, дейсиз. Қанча ерлар боғу бўстонга, чўллар гулистонга айланди. Одамлар тақдиридаги ўзгаришларчи? Қишлоқлар тақдиридаги бурилишларчи? Муҳташам бинолар, уйлар, кўчалар, мактаб ва яслилар. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча янгиликлар рўй берди. Буларнинг барчасида икки хўжалик ўртасида мустаҳкам қарор топган ижодий мусобақанинг нақадар ҳаётбахш самараси борлигини унутиб бўладими?

Қўшнилар ўртасидаги муносабат — оддий расмиятчилик эмас. Улар бир-бири учун кўз-қулоқ, бир-бирига мададкор. Чигит ерга тушган кундан то хирмон кўтарилган кунга қадар улар бир-бирларини ҳушёр кузатишади. Ютуқларни қандай баҳам кўришса, камчиликларни ҳам бирга «савалашади». Оғир кунда бир-бирларига ёрдам қўлини чўзадилар. Шу туфайли районда бу икки хўжаликка алоҳида ишонч ва умид билан қарашади. Яхши қўшничилик, жонли ижодий мусобақа уларни ана шундай илдам, баб-баравар қадам ташлашга, бир-бирларига қараб қомат ростлашга ундамоқда. Бундан ҳар икки томон ҳам ютмоқда. Социалистик мусобақадан унумли фойдаланишмоқда.

Колхозчилар бўлиқ ғўзалар билан безанган майдонда меҳнат қилишяпти. Бу ерлар Ленин ва Октябрь Революцияси орденлари кавалери Давлат Тожиқулов бригадасига қарашли. Унинг номи Фрунзе номли колхозда барчага таниш. Биз бригада бошлиғини сўраганимизда ҳозир қўшни пайкалга сув тараётганлар орасига кетди, дейишди. Қўшни картага ўтганимизда жилдираб оқаётган сув қуёш нурида ялтираб кўзга ташланарди. Ғўза қатор ораларини оралаб иш сифатини кўздан кечираётган киши бригада бошлиғи Давлат Тожиқулов экан.

— Тунги сменада азаматлар ғайрат қилишибди. 21 гектар майдонни қондириб суғоришибди, — деди бригада бошлиғи Д. Тожиқулов пахтазорга ишора қилиб. — Суғоришни «шарбат» усулида ташкил этганмиз. Моҳир сувчиларимиз Турсунбой Худойбоқов, Мавлон Нишоновлар барчага намуна бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Ерлар тобига келиши биланоқ культивация қилиняпти. Бу билан, биринчидан, намнинг узоқ сақланишига эришсак, иккинчидан, тупроқ яхши қизийди.

Ҳақиқатан ҳам йил сайин пахтадан мўл ҳосил етиштириб келаётган пахтакорлар янги ҳосилга ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам замин яратмоқдалар. Эгат ораларида бирорта ҳам бегона ўт учрамайди. Барча майдонларда культивация ва кетмон чопиғи ўтказилмоқда. Фақат Давлат Тожиқулов бригадасида эмас, балки Ҳонимқул Эшонқулов, Ҳаким Худойқулов каби уста пахтакорлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳам ғўза парвариши намунали ташкил этилган. Хўжаликнинг қайси участка ва бригадасида бўлманг, далаларда қайноқ меҳнат жўш урмоқда.

Ўтган йили Фрунзе номли колхоз меҳнат аҳли мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил йиғиштириб, планни илғорлар қаторида бажарган эди. Бу йил колхоз пахтакорлари гектар бошига 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш, ялпи хирмонни 4 минг тоннага етказишга аҳд қилишган.

«Красная заря» колхозидан кўплаб донг таратган пахтакорлар етишиб чиққан. Бу хўжалик ҳам сертармоқ. Аммо колхоз ўтган йили давлатга пахта сотиш бўйича 104 тоннага қарздор бўлиб қолди. Биз хўжалик далаларида бўлганимизда ўзгача манзаранинг шоҳиди бўлдик. Бу йил улар ўз шуҳратларини тиклаш, қолоқлик доғини ювиш учун юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдували Нурматовни колхоз правлениесида учратдик. Ўрта бўйли, очиқ чеҳрали А. Нурматов бизни самимий қарши олди. У бизнинг мақсадимизни тушунгач:

— Унда сизларни «Родина» участкамизга олиб бораман. Чунки бу участка хўжалигимизнинг энг чекка қисмига жойлашган. Биз ўтган йили шу участка ҳисобига планни бажаролмаганмиз. Яхшиси, ўзингиз ҳозир у ерда амалга ошираётган ишларимизни кўрасиз.

Йўл-йўлакай хўжалик далаларида бугунги кундаги ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— «Родина» участкасида, — дейди А. Нурматов, — 660 гектар экин майдони бор. 1978 йилга қадар бу участка Навоий номли колхозга қарашли эди. Ҳосилдорлик 17—18 центнердан ошмасди. Дастлабки йилдаёқ биз участка ер шароитини чуқур ўрганиб чиқдик. Экин майдонлари бўлтак-сўлтак пайкаллардан иборат эди. Ерларни яхлитлаш ҳисобига экин майдонларини 40 гектарга кенгайтирдик. Далаларга кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит ташиб чиқардик. Ҳосилдорлик иккинчи йилиёқ 7 центнер ортди.

Бу ерда кўпгина қувончли воқеаларнинг шоҳиди бўлдик. Бир гуруҳ пахтакорларга ёрдамга чиққан отахон ва онахонлар билан суҳбатлашдик. 71 баҳорни қаршилаган Умарали ота Мадалиев 1939 йилда Мирзачўлни ўзлаштириш учун Фарғонадан кўчиб келган экан. Чолу кампир Баҳром ота ва Ҳалима опалар ҳам қалб амри билан далага чиқиб пахтакорларга бегона ўтларни йўқ қилишда ёрдамлашмоқда эканлар. Баҳром ота 1940 йилда шу колхозга Бухоро областидан, Ҳалима опа эса Самарқанд областидан кўчиб келишган экан. Улар чўлда бахт топиб, ували-жували, пири-бадавлат яшашаётир.

— Бугунги кунда Мирзачўл Мирзагулистонга айланган, — дейди Баҳром ота, — мана шундай долзарб дамларда биз қариялар четда қараб туролмаймиз. Оз бўлса ҳам ёрдам бериб, ўз тажрибамизни ўртоқлашиш бизнинг бурчимиздир.

Қуёш тик кўтарилиб атрофни қиздиради. Барча дала шийпони томон тушликка чиқа бошлади. Радио карнайидан таралаётган куй улар меҳнатини мадҳ этаётгандек туюларди. Колхозчи ва ҳашарчилар мажнунтол тагида бир-бирлари билан ширин суҳбатлашиб, чақчақлашиб чой ичишарди. Колхоз правлениеси раиси Маматқул Сафаров социалистик мусобақа ғолиблари рўйхатини ўқиб эшиттирди. Ёзги каникулни далада ўтказаётган ўқувчилар бригадасига (бу бригадага мактаб директори Муҳамаджон Раҳимов раҳбарлик қилади) 3 та қўл соати, 50 сўм пул мукофоти топширилди. Қариялардан Адолат опа Жўраева, Умарали ота Мадумаров ва бошқа яна кўплаб пешқадамлар пул мукофоти билан тақдирландилар.

Хўжалик далаларини айланарканмиз, қатор ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Далалар бегона ўтдан тозаланяпти. Сувчилар ғўзаларни обиҳаётга қондириб суғоришмоқда. Хўжаликнинг барча участка ва бригадаларида ғўза сифатли парвариш қилиниб, ҳосил нишоналари тобора кўпайтирилаётир.

Якунловчи йилда хўжалик меҳнат аҳли 1540 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш учун курашмоқда.

Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови. Мусобақадош Фрунзе номли ва «Красная заря» колхозларининг пахтакорлари дала ишларини мусобақа асосида ташкил этганлар. Улар мусобақа шартларини бажариш учун ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Гулистон райони далаларида мусобақадошларнинг даъваткор ҳайқириғи баралла янграмоқда. Бригадалар бригадалар билан, хўжаликлар хўжаликлар билан меҳнат майдонида беллашмоқдалар.

Район пахтакорларининг меҳнати улкан «оқ олтин» хирмонидан дарак бермоқда.

К. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Гулистон райони.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ДАЛАСИДА

Ғўзалар баравж. Меҳр билан ардоқланиб, ишлов берилаётган ғўзалар ёппасига гуллаган. Илк пайдо бўлган кўсаклар тобора тўлишяпти. Бу серҳосил пайкалларда ака-ука Холмуродовлар меҳнат қилишади.

— «Сифат белгиси»га лойиқ пайкал экан, — деди ҳамроҳимиз фахр билан.

— Муҳаммадқул Холмуродов механизатор, айни чоғда моҳир пахтакор, — дейди Жиззах районидаги Ҳ. Носиров номли совхоз директори Х. Лапасов. — Деҳқон тадбиркор бўлса, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиради. Эл ҳурматига сазовор бўлади.

М. Холмуродов мана, 20 йилдирки, чўлда пахта экиб, мўл ҳосил олмоқда. Тўрт оға-ини пахта ишқи билан ёнишади. Норқўзи — бригадир, Ўсар — механик, Аҳмад — сувчи, Муҳаммадқул эса «зангори кема»ни бошқаради. Бригада аъзолари бу йил 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган.

Ю. Қўшбоқов бошлиқ қўшни бригадада ҳам ғўзанинг ривожи яхши. Ака-ука чўлқуварлар ўз мусобақадошларига яқиндан ёрдам бериб пахтазорда ҳақиқий жасорат кўрсатишмоқда.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Ленин районидаги «Социализм» колхози маккажўхорикорлари мўл ҳосил етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сувчилар маккажўхорини қондириб суғоришга алоҳида эътибор беришяпти. Маккажўхорикорлар айни пайтда ҳосил ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўришаётир. Улар 55 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон», 400 центнердан силосбоп кўк поя олишга аҳд қилишган. Суратда: колхоз раиси Салимжон Сиддиқов миришкор сувчи Кимсан Кенжаев билан экиннинг ривожини кўздан кечиришяпти.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ВАХТАСИ

ҚИЗЛАР БРИГАДАСИ

Бахмал районидаги «Санғзор» совхозида ем-хашак тайёрлаш бошланганидан буён кўчма Қизил байроқ учинчи марта Гулсора Қаландарова бошлиқ бригадага топширилди. Бу қизлар бригадаси бултур ташкил топган эди. Мактабни битириб чиққан қизлар ўрта маълумотли бўлганликлари ҳақидаги аттестат билан бирга механизаторлик гувоҳномасини ҳам олдилар. Улар ем-хашак тайёрлаш машина-механизмларини яхши ўзлаштирдилар. Табиий ўт-ўланларни ўзлари ўриб, пресспайдилар. Айни пайтда тайёрланган пичанни фермага ташийдилар.

Етмиш гектар майдонда бедадан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Қизлар бригадаси чорва қишлови учун икки минг тонна хилма-хил ем-хашак ғамлаб қўйиш мажбуриятини олди.

БЕДАНИНГ ТЎРТИНЧИ ЎРИМИ

Ғалаба райони хўжаликларида беданинг тўртинчи ўрими бошланди. Ленин номли, «Победа», Димитров номли колхозларнинг, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, бошқа хўжаликларнинг ихтисослашган бригадалари мавсум бошидан бери ҳар гектар ердан 180 центнердан пичан тайёрладилар.

Бу йил район бедачилари ўрим ўртасидаги муддатни қисқартириб, 25 кунга келтиришга эришдилар. Бу ерда бедапояларга оширилган миқдорда ўғит солинмоқда. Районда кўк массани ўриш эрталаб ва кечқурун ўтказилади: сутканинг ана шу пайтида баргларда кўп миқдорда каротин ва протеин сақланади.

Бу йил район хўжаликларида 8536 гектар майдонда беда етиштирилмоқда. Район хўжаликларида 6-7 марта ўрим ўтказиб, мавсумда ҳар гектар ердан 230 центнергача пичан йиғиштириб олишга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Бутун жаҳонда тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш ва қуролсизланиш масалалари юзасидан, шу жумладан ўртача олисликдаги ракета-ядро қуролига тааллуқли проблемалар юзасидан бир битимга келишга қаратилган совет таклифларига зўр қизиқиш билан қаралмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР канцлери Г. Шмидт билан музокаралар вақтида Совет Иттифоқи номидан илгари сурган янги ғоялар ва конкрет таклифлар тўғрисида ахборот органлари хабар бермаётган бирон мамлакатнинг номини аташ қийин. Бу табиий бир ҳол. Бунинг боиси шуки, халқаро вазият мураккаблашган пайтда Совет Иттифоқи Ғарбга боши берк кўчадан чиқиб олиш йўлини яна таклиф этди. Қуролланиш пойгасини яна авж олдиришга интилаётган милитаристик кучлар жаҳонни ана шу боши берк кўчага киритиб қўйдилар.

Жаҳон жамоатчилиги ва аввало Европа мамлакатларининг жамоатчилиги совет таклифларига халқаро вазиятни нормаллаштириш ва қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш соҳасида реал истиқболлар очиб берувчи қадам, деб баҳо берди. Совет Иттифоқи реакцион пропаганданинг уйдирмаларини фош қилиб, ҳарбий жиҳатдан устун бўлишга интилмаётганлигини ва ҳамма масалаларни тенглик ва бир хил даражадаги хавфсизлик принципи асосида ҳал этишга тайёр эканлигини яна бир марта тушунтириб берди.

Вашингтон ва НАТО раҳбарлари тиқиштираётган Америка ракеталарини ўз мамлакатлари территориясида жойлаштиришга рози бўлаётган раҳбарлар масъулиятни сезиб иш кўряптими? Жамоатчиликнинг фикрига қараб баҳо берганда, бундай деб бўлмайди. Жамоатчиликкина эмас, бошқа доиралар ҳам шундай деб ҳисоблаганлиги диққат-эътиборга сазовордир. Бельгия ташқи ишлар министри Ш.-Ф. Нотомба яқинда Бельгия Америка ракеталарини ўз территориясида жойлаштириш тўғрисида бир қарорга келишни кечиктириш зарур деб ҳисоблаётганлигини эълатиб ўтди.

Совет Иттифоқининг янги таклифлари кейинги вақтларда Вашингтон ва НАТО томонидан кўрилган тадбирларга тамомила зиддир. «Картер маъмурияти, — деди Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги учун курашувчи инглиз комитетининг раиси Гордон Шаффер, — янада кучлироқ қурол-яроғларни Ғарбий Европада жойлаштиришни планлаштирмоқда ва бу билан қуролланиш пойгасининг янги ва янада кўпроқ хатарли босқичининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқда». Гордон Шаффер Совет Иттифоқи эса қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ялпи қуролсизланишга эришишни кўзда тутган ташаббуслар билан доим майдонга чиқмоқда, деб таъкидлади.

Ғарб мамлакатларидаги жамоат ташкилотларигина эмас, сиёсий доиралар ҳам янги совет таклифларига зўр эътибор бермоқдалар. Газеталар ўртача олисликдаги қурол-яроғларга тааллуқли бўлган янги совет таклифлари билан боғланган масалалар ГФР канцлери Г. Шмидт билан Франция президенти В. Жискар д'Эстэн ўртасида Боннда олиб борилган музокараларнинг диққат марказида турганлигини таъкидладилар.

Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш манфаатлари йўлида олға қараб янги, муҳим қадам қўйди.

Эндиликда Ғарб ўз сўзини айтиши керак.

А. ЗВЕНЦОВ.
(ТАСС).

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ТЕҲРОН, 14 июль. (ТАСС). Эрон Ислом Республикаси хавфсизлик органлари давлат тўнтариши ишида барбод бўлган уринишнинг тафсилотларини текшириш ва аксилинқилобий фитнага алоқадор кишиларни аниқлашни давом эттирмоқда. Бу фитнанинг ташкилотчилари Америка империализми ва халқаро реакциянинг ёрдами ҳамда мадади билан Эронда мавжуд режимни ағдариб ташлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, ҳозирнинг ўзидаёқ 300 дан ортиқ киши, шу жумладан қуролли кучларнинг офицерлари, сиёсий арбоблар ва фитначилар рўйхатига номи ёзилган бошқа шахслар қамоққа олинди. Форс агентлиги Хузистонда жойлашган дивизиялардан бирининг командири ва дивизия штабининг 16 офицери қамоққа олинганлигини хабар қилди. Бу кишилардан махфий ҳужжатлар ва фитначиларнинг рўйхати топиб олинди.

Теҳрон радиоси воқеаларни шарҳлаб, қуйидагиларни таъкидлайди: фитначиларнинг ниятига кўра, давлат тўнтаришини АҚШ қуролли кучлари ва халқаро реакция қўллаб-қувватлаши керак эди. Шу муносабат билан уқтириб ўтиладики, мўлжалланган аксилинқилобий ҳаракатдан икки кун олдин Қоҳиранинг жанубида жойлашган Америка ҳарбий ҳаво базасига Американинг «Фантом»лар эскадрильяси етиб келди. Миср ҳарбий ҳаво кучлари билан биргаликда машқ ўтказиш баҳонаси остида бу эскадрилья ҳақиқатан Эронга қарши навбатдаги ҳарбий ҳаракатлар учун Миср ҳарбий ҳаво кучлари билан бирга қиладиган ҳаракатларини пишиқтирга. эди. Шу куни АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг икки ракета кемаси Мисрнинг Искандария портига келиб лангар ташлади. Бу кемалар Эрон соҳилларига бевосита яқин жойда турган Америка эскадрильясига ёрдам бериши лозим эди. Бундан ташқари Миср ҳукумати америкаликларни қўшинларни Ўрта денгиз районидан Форс кўрфазига жадаллик билан кўчириш учун транспорт воситалари билан таъминлади.

Радио шарҳида яна бундай дейилади: айни бир вақтда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг 125 та «Фантом»и ва 100 танки ҳамда жуда кўп вертолётлари ортилган иккита авианосеци, 25 та бошқа ҳарбий кемалари Эрон соҳилларига қараб келди.

Текшириш натижасида олинган маълумотлар фитначилар ҳар хил қуроллар ишлатишни чет элларда ўрганиб, тайёрланганлиги фитнанинг кенг кўламда ташкил этилганлигидан далолат беради. Кейинги ойларда Англия, ГФР ва АҚШ билан иттифоқчи бўлган бошқа мамлакатларнинг паспорти билан турист никоби остида давлат тўнтаришини уюштириш ва кўча жангларини олиб бориш «мутахассислари» келиб кетганлиги маълум бўлди.

Эрон хавфсизлик органлари Ғарбий Европа дипломатлари ёрдамида Меҳробод халқаро аэропорти орқали аксилинқилобий ҳаракат районлари кўрсатилган хариталар, шунингдек белгиланган ҳаракат планларига доир баъзи ҳужжатлар чет элга юборилганлигини ва Эронга келтирилганлигини аниқладилар. Фитначилар халқаро реакция ёрдамида Эронда давлат тўнтаришини амалга оширмоқчи бўлган ва мамлакатда Америка Қўшма Штатлари, Исроил ва унинг иттифоқчиларининг манфаатларига тўғри келадиган ва уларга итоатгўй бўлган қўғирчоқ режимни тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маҳаллий газеталар фош этилган фитнанинг янгидан-янги тафсилотлари тўғрисида хабар бериб Вашингтон Эрон халқига қарши душманчилик режаларидан воз кечмаганлигини ва бу мамлакатни яна ўзига бўйсундириш ниятида эканлигини таъкидлайди.

НЬЮ-ЙОРК, 14 июль. (ТАСС). ЮПИ агентлиги «Бомдод» газетасига суяниб давлат тўнтаришига уринишга алоқадор бўлган 600 киши, шу жумладан 500 ҳарбий хизматчи қамоққа олинганини хабар қилади.

Агентлик инқилобий ҳарбий трибуналнинг раҳбари Рейюшаҳрининг «Эттилиот» газетаси мухбири билан қилган суҳбатини баён қилди. У жумладан, қамоққа олинганлар орасида Эрон ҳарбий-ҳаво кучларининг собиқ қўмондони генерал Маҳднон ва Эрон жандармериясининг собиқ қўмондони генерал Мохагеги борлигини хабар қилди. Рейюшаҳрининг сўзига қараганда, «фитна ташкилотчилари» бўлган бу шахслар давлат тўнтаришини тайёрлашда қатнашганликларига иқрор бўлганлар ва улар «келгуси ҳафта ичида суд қилинадилар».

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТИНЧЛИККА ИНТИЛМОҚДА

ВЕНА. Австрия Коммунистик партиясининг Раиси Ф. Мури бундай деди: Совет Иттифоқининг Европада ўртача олисликдаги ракета-ядро қуроли тўғрисидаги масалани ҳал этиш юзасидан музокаралар бошлашга шай эканлиги Совет Иттифоқи тинчликка, халқаро кескинликни юмшатишни таъминлашга ва қуролсизланиш соҳасида реал қадамлар қўйишга эришишга сабот ва изчиллик билан интилаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Америка ҳукумати қуролланишни давом эттирган ва ҳарбий монополиялар учун буюртмаларни кенгайтирган ҳолда, тинчлик тўғрисида сафсата сотмай, Совет ҳукуматининг ана шу таклифини синчиклаб ўрганиши лозим. Ғарбий Европа мамлакатлари ва аввало ГФР ҳукумати, деб таъкидлади АКП Раиси, АҚШни тинчлик иши учун қулай бўлган Совет Иттифоқининг ана шу ташаббусига лаббай деб жавоб беришга сира иккиланмай даъват этишлари лозим.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

АММОН. Бу ерда ислом конференцияси ташкилоти қатнашчилари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг фавқулодда конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференция қатнашчилари босиб олинган араб территорияларидаги Фаластин аҳолисининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мусулмонларнинг муқаддас жойларини ва аввало арабларнинг Қуддус шаҳрини босқинчилардан озод этиш тадбирларини муҳокама қилдилар.

Конференция қабул қилган қўшма баёнотда Кэмп-Дэвид сепарат битимлари қатъиян қораланади. Бу битимлар босиб олинган араб ерларида Исроил ҳарбийларининг турушини абадийлаштириш учун аслида ниқоб бўлиб хизмат қилади, деб уқтирилади. Конференция қатнашчилари барча мусулмон давлатларини фаластинлик араб халқининг одилона курашини қўллаб-қувватлашга ва Тель-Авивга сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий мадад бераётган мамлакатларни бойкот қилишга даъват этдилар.

ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

ДОРУС-САЛОМ. Занжибар революцион кенгашининг раиси Абуд Жумбе оролда ҳукуматга қарши уюштирилган фитна фош этилганлигини эълон қилди. У митингда нутқ сўзлаб, фитначилар «Занжибарда сиёсий тартибсизликлар келтириб чиқаришга ва аҳоли ўртасида келишмовчиликларни туғдиришга» умид боғлаганликларини айтди. Фитна сабабли 16 киши қамоққа олинган, Танзания армияси қисман жанговар шай ҳолга келтирилган.

Занжибар Танзания Бирлашган Республикаси составига киради. Занжибар революцион кенгашига бошчилик қилаётган А. Жумбе айни вақтда Танзаниянинг вице-президентидир.

ҚАТТИҚ ҚОРАЛАНДИ

ПАНАМА. Сальвадор Революцион демократик фронтининг раҳбарлари шу мамлакатда Вашингтон бевосита тайёрлаётган қуролли интервенцияни қаттиқ қораладилар. Сальвадор Революцион демократик фронтининг раҳбарлари шу мамлакатда кучайиб бораётган озодлик ҳаракати тазйиқи остида Қўшма Штатларнинг қакшаб қолган қўғирчоғи — ҳарбий-граждан хунтасини қўллаб-қувватлаш учун ана шундай қуролли бостириб кириш режалаштирилаётганини кўрсатиб ўтдилар.

КАМПУЧИЯНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУКУМАТИ ТАНИЛИШИ КЕРАК

ТОКИО. Япония-Кампучия дўстлиги жамияти Япония ҳукумати Кампучия халқига нисбатан геноцид сиёсатини ўтказаётган Пол Пот-Иенг Сари жиноятчилар тўдасини қўллаб-қувватлаётганлигини қатъиян қоралади. Жамият раҳбарлари эълон қилган баёнотда ағдариб ташланган Пол Пот «маъмурияти» билан муносабатларни дарҳол узиш ва Кампучия Халқ Республикасининг қонуний ҳукуматини таниш ҳақида талаб баён этилган.

КОФЕ ҲОСИЛИНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Ангола қишлоқ меҳнаткашлари олдига кофе йиғиштириб олишни ўтган йилдагига нисбатан икки баравар ошириш вазифаси қўйилган. Қирқ мингга яқин ишчи кофе дарахтларини ўсадиган жуда катта плантацияларда меҳнат қилмоқда. Бу йил қарийб 153 минг гектар ер мана шу экин учун ажратилган.

(ТАСС).

МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЖАЗИРАМА ИССИҚ

НЬЮ-ЙОРК, 14 июль. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг жанубиғарбида давом этаётган жазирама иссиқ ҳаво мамлакатнинг шарқий ва шимолий томонларига тарқалиб, ҳозиргача қарийб 13 штатни қамраб олди. Бу ерда икки ҳафта мобайнида температура 45 даражадан пастга тушмаяпти. Кучли қурғоқчилик натижасида паррандалар қирилиб кетмоқда, ҳосилга катта зарар етган. Мотнтан, Техас, Жанубий Дакота штатларида қурғоқчилик туфайли қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг учдан бир қисмидан кўпроғи нобуд бўлди. Фермерлар боқиш ва суғориш иложи бўлмаганлиги учун молларни сўйишга мажбур бўлмоқдалар. Техас, Аризона ва Колорадо штатларининг бир қанча районларида ўрмонларда ёнғинлар чиқиб, ҳозиргача 10 минглаб гектар ердаги дарахтларни йўқ қилиб юборди.

Метеорологлар ўз маълумотларида яқин вақтларда Қўшма Штатларнинг жанубиғарбида ва жанубида яшайдиган аҳоли учун ҳаво яхшиланиши тўғрисида ваъда бермаяптилар. Уларнинг фикрига кўра, бу районларда иссиқ ҳаво узоқ вақт сақланиб қолса керак.

АХБОРОТ

ЧОРВАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ЗАВОДИ

Бухоро шаҳрининг жанубида жойлашган Лоша посёлкасида чорвачилик учун ускуналар тайёрлаб берувчи ихтисослаштирилган заводга асос солинди. Бу муҳим корхона Бутуниттифоқ Чорвачилик ва озуқаем ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигининг ташаббуси билан ташкил этилди. У Бухоро ва қўшни областлар чорвачилик фермалари ва комплексларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга хизмат қилади. Завод республикада барпо этилган ана шундай корхонанинг иккинчисидир.

Корхонани керакли станоклар ва агрегатлар билан комплектлашда Украина ССРнинг Волинск ҳамда Молдавия ССРнинг Чадир-Лунчи машинасозлари катта ёрдам беришди. Бухорога лентали транспортёрлар, тележка ва бошқа буюмлар тайёрлайдиган ускуналар комплекти келтирилиб, монтаж қилинди. Айни пайтда завод ишлаб чиқариш узелларини созлаш ишлари давом этмоқда.

Корхона ҳадемай маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ФАРОҒАТИ

Бухоро областида меҳнаткашларнинг ўғил-қизлари фароғати ва камолоти учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айни кунда областда 545 мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ишлаб турибди.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида Бухорода 16 минг 360 ўринли 130 та янги типовой боғча-ясли бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари ўз қучоғига 400 болани олувчи 4 та санаторийлаштирилган боғча-ясли ҳам ишлаб турибди. Область территориясида 18 та пионерлар саройи ва уйи, 9 та ёш техниклар ва натуралистлар станцияси, клуби, 20 та музика мактаби, 500 дан зиёд спорт майдончаси бор.

Ўтган йили пионер лагерларида ва экскурсия базаларида қарийб 235 минг бола яйраб дам олишган эди, бу йил ёшлар контингенти ўтган йилдагидан 12 минг кишига ортиқдир. Шунга яраша пионер ёзи кўнгилли ўтадиган хушҳаво, ҳушманзара жойларда ўндан зиёд янги пионер лагерлари барпо этилди.

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

«Бухараоблколхозс т р о й»-трестининг қўли гул бинокорлари қишлоқларда хуторларни йўқотиб, улар ўрнига замонавий посёлкалар барпо этиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида область колхоз ва совхозларида 100 дан ортиқ типовой кооператив уй-жойлар, 10 га яқин мактабгача болалар муассасалари, ўрта мактаб бинолари, чорвачилик комплекслари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борада Вобкент, Қизилтепа, Шофиркон, Ғиждувон ва Пешку районларидаги механизациялашган кўчма колонналарнинг қурувчилари айниқса зўр ғайрат кўрсатиб ишлаётирлар. Яқинда Қизилтепа шаҳрида 16 оилага мўлжалланган икки қаватли уй-жой биноси муддатидан уч ой илгари ишга туширилди. Шундай уй-жой биносидан учтаси жадал суръатлар билан қуриляпти.

Вобкент районидаги «Зарафшон», Калинин номли, «Ильич 100 йиллиги», «Пахтакор», Пешку районидаги Ибн Сино номли, «Москва», Фрунзе номли, «Ўзбекистон», Қоракўл районидаги «Октябрь», «Бухоро», Олот районидаги «Шарқ юлдузи», «Ленинград» колхозларида ҳам кооператив йўли билан уйлар қурилиб, янги посёлкалар бунёд этилаётир. Бинокорлар замонавий посёлкаларда қурилган уйларга кўчиб ўтаётган колхозчилар хонадонини газлаштириш, водопровод суви билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор беришяпти.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чуст районининг хушманзара оромгоҳларидан бири — «Машъал» пионер лагерида ҳар йили Наманган энергетикларининг 500 дан ортиқ ўқувчи ва пионерлари ҳордиқ чиқарадилар. Суратда: «Машъал» пионер лагерида дам олаётган ўқувчилар қўғирчоқ театрига ҳозирлик кўраётган пайт.

Х. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ОНА ТУПРОҚ

Бугунги кунда табиат муҳофазаси муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда, кўп ёзилмоқда. Ҳақли савол туғилиши мумкин: нега она табиат инсоннинг меҳру шафқатига, ғамхўрлигига муҳтож бўлиб қолди? Умуман, табиатни нега асраш керак?

Аввало, биз табиатнинг фарзанди бўлганимиз учун ҳам унга нисбатан ғамхўр бўлишимиз лозим. Она ҳақида қайғуриш бизнинг фарзандлик бурчимиз. Иккинчидан, ер юзида ҳаёт шами сўниб қолмаслиги, одамларда яхшиликка, меҳр-оқибатга ишонч йўқолмаслиги учун, дид ўтмаслашиб қолмаслиги учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш зарур. Асримиз нечоғли тезкор, асабий бўлмасин, барибир, одамлар ердан ниш уриб чиқаётган майсаларнинг тиниқ рангидан лаззатланишни, япроқларнинг учига илиниб турган шудрингни кўриб қувонишни, қушларнинг чах-чаҳидан завқланишни унутиб қўймаслиги керак.

Табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, унинг бойликлари — ер, сув, ўрмонларни кўз қорачиғидек асраш зарурлигини илмий коммунизм асосчилари К. Маркс билан Ф. Энгельс алоҳида уқтириб ўтишган эди. Доҳий В. И. Ленин томонидан 1917 йилда имзоланган биринчи Декрет ер ҳақида эди. Орадан бир йил ўтгач, ўрмонларни асраш ҳақида қонун чиқди. 1920 йили балиқ тутиш ва овчиликни назорат қилиш, 1921 йилда эса ер ости бойликлари ҳамда боғ-роғларни асраш ҳақидаги қонун имзоланди. 1924 йилга келиб, Бутунроссия табиатни муҳофаза қилиш жамияти тузилди. Ҳозир бундай жамиятлар барча иттифоқдош республикаларда иш олиб бормоқда. Айрим республикаларда эса ҳатто Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетлари мавжуд. Бундай жамият ва комитетлар кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Иттифоқимизда 130 дан зиёд қўриқхона борлигининг ўзиёқ мамлакатимизда бу борада нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганлигининг далилидир. Совет давлати ердан тўғри фойдаланиш ҳамда уни эрозиядан сақлаш ҳақида бир неча муҳим тарихий қарорлар қабул қилган. Бундан ташқари Қора денгиз, Каспий денгизи, Азов ва Орол денгизларининг оқова сувлар ҳамда саноат чиқиндилари билан ифлосланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Ўрмонларни сўйламай-нетмай кесиб юбораверишга барҳам берувчи махсус қарорлар қабул қилинди. Коммунистик партиямиз ўзининг ҳар бир съездида табиатни муҳофаза қилиш масаласини муҳокама этиб, тегишли тадбирлар белгиламоқда. Бундан ташқари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар яқиндан ҳамкорлик қилиб, кенг кўламда иш олиб бормоқдалар. Бу давлатлар табиат муҳофазасининг гигиеник аҳамиятларини, атроф муҳитнинг заҳарли чиқиндилар билан булғаниш сабабларини, сув манбаларини покиза сақлаш омилларини, саноат ва хўжалик чиқиндиларидан унумли фойдаланиш йўлларини баҳамжиҳат ўрганмоқдалар.

Ер юзидаги бирон давлатда табиат муҳофазасига бизнинг мамлакатимиздагичалик эътибор берилмайди десак муболаға бўлмайди. Бунинг исботи учун биргина мисолни келтириш кифоя. Совет ҳукумати жаҳонда биринчи бўлиб 140 дан ортиқ заҳарли кимёвий дорилар ва сувда ишлатиладиган 487 хил кимёвий бирикмаларнинг қўлланиш миқдорини, саноат чиқиндиларининг атмосферага таъсири даражасининг қатъий нормаларини белгилади. Эндиликда бу нормаларни бузиш қонун билан тақиқланган. Бу борада республикамизда ҳам катта ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида зараркунанда ва ўсимликлар касалликларига қарши биологик кураш воситаларидан фойдаланиш зарурлиги ҳақида партиямизнинг XXV съездида алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу кўрсатмага жавобан республикамизда биологик кураш усулини қўллаш тобора кенг қулоч ёймоқда. Айниқса, пахтачиликда, теплица хўжаликларида бу усул яхши самара бермоқда. Ўзбекистон олимлари энди биологик кураш усулини боғдорчилик, сабзавотчиликда қўллаш йўллари устида изланмоқдалар.

Ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш хавфи туғилган ёки кам учрайдиган жониворлар, паррандаларни асраш, уларни кўпайтириш учун кескин чоралар кўрилди. Республикамизнинг ўзидагина машҳур Бухоро охуси, тустовуқ, қирғовул, беданаларни асраш ниятида махсус қўриқхона, катағонлар ташкил этилган. Фақат Ўрта Осиёга мансуб хушбўй хидли арчалар, саксовул, чаканда, жилонжийда, наъматак, ёнғоқ каби доривор ҳамда манзарали дарахтларни кўпайтирувчи ўрмон хўжаликлари мавжуд. Лекин табиат муҳофазаси борасида қилинажак ишларимиз ҳали бехисоб. Шундай ишлардан бири ерни асрашдир.

Ер — ҳаёт манбаи. Ер ҳақида қайғурмаслик тириклик шамини ўчириб қўйиш билан баробар. Шу боисдан ҳозир ер куррасининг аҳволи кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Ер юзининг атиги бир ярим миллиард гектар қисмидагина деҳқончилик қилинади. Аммо ҳар йили сув ювиб, шамол «ялаб» кетиши — илмий тил билан айтганда, эрозия касофатидан қанчадан қанча унумдор ер яроқсиз ҳолга келади, экономикамиз зарар кўради.

Бухорога борганимизда бир кекса деҳқон билан учрашган эдик. У кишининг ўғли комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қиларкан. Бу бригада фақатгина ўз колхозида эмас, балки район бўйича ҳам юқори ҳосилли бригадалардан бўлиб, вилтга чидамли ғўза навларининг уч хилини экиб, ҳаммасидан баробар юқори ҳосил олаётган экан. Суҳбат асносида: «Ростдан ҳам гектаридан бир хилда — қирқдан ошириб ҳосил оляпсизми, ё бирор сир борми?», деб сўрадик. У елка қисиб, кулиб қўя қолди. Аммо бизнинг илмоқли саволимиз отасига малол келди. «Қингир йўл билан пахта етиштиришдан сақласин, меҳмон, — деди мўйсафид бир оз зардали овоз билан. — Ер бамисоли деҳқоннинг дастурхони. Дастурхонга нон қўйилади. Кимки унга ножинс нарса аралаштиришни ўйласа, ризқи қийилади. Ноннинг ҳам, ернинг ҳам — уволи тутади. Агар ўғлим сохта обрў топишни истаса, бошқа тирикчилик қилиши керак. Ер бундай одамни ёмон кўради. Унақа одамдан саховатини дариғ тутади».

Кекса деҳқоннинг фалсафаси бизни ҳануз лол этади. Бу одам ортиқча шон-шуҳратга ҳам, мол-дунёга ҳам интилмаган. Ҳамма қатори умр кечиради. Кўнгли тўқ, турмуши фаровон. Бу фаровонлик ҳалолликдан. Унинг умри ҳалоллик, меҳнат билан ўтган. Шу боис одамлардан ҳам, ердан ҳам тил қисиқлик жойи йўқ. Бу мўйсафидга ўхшаш кўнгли тоза, нияти холис одамларимиз жуда кўп. Афсуски, баъзан ноинсоф кимсалар ҳам учраб туради. Айниқса, сабзавот, полизчилик билан шуғулланаётган баъзи хўжаликларда ерга нисбатан шафқатсиз муносабатни кўрамиз. Биринчидан, минерал ўғитлар ерларнинг картограммасига риоя қилинмай солинади. Натижада азотли ёки фосфорли ўғит талаб қилмайдиган майдонларда ортиқча минерал туз йиғилиб қолади. Минерал ўғитни меъёридан ортиқча ишлатиш сабзавот-полиз экинларининг сифати, инсон соғлиғига зараридан ташқари тупроқ таркибини бузади. Бу ҳақда Леонид Ильич Брежнев жуда қимматли фикр айтган: «Ерни эҳтиёт қилиш бу умумхалқ ишидир. Ҳар хил йўллар билан ернинг таркибини бузиш жамиятга қарши қилинган хатти-ҳаракат деб баҳоланмоғи керак. Кимки ерга яхши қарамаса, ерни эъзозламаса, ернинг ҳосилдорлигини оширмаса, у халқ фаровонлигининг моддий негизига путур етказган бўлади».

Бу — ер учун, инсон учун қайғуриб айтилган қимматли фикрдир.

Ер — ризқ-рўзимиз манбаи.

Ўзбекистоннинг кўпгина қисми яйдоқ даштлардан иборат. Бундай чўлларда деҳқончилик қилиш мушкул. Бухоро ўрмон хўжалиги ходимларининг иши билан танишгани борганимизда, улар ишчи кучи етишмаслигидан нолишган эди. Ўрмончилик илмий-текшириш институтининг таянч пункти Фарғонада экан. Ҳолбуки, Фарғона водийсидан кўра Бухоро области кўпроқ кўкаламзорлаштирилишга муҳтож. Аммо ишчи кучи, техника етарли бўлмаганлиги сабабли бу муҳим иш яхши йўлга қўйилмаган. Бундай фикрни Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарёнинг янги ўзлаштирилаётган қисмига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Бундан ташқари республикамиздаги деҳқончилик қилинадиган ерларнинг бир қисми паст-баландликдан, адирлардан иборат. Ёмғир, селлар бундай ерларнинг устки ҳосилдор қисмини ювиб кетишининг олдини олиш учун деҳқонларимиз тадбиркорлик кўрсатишлари лозим. Ариқларнинг нишабини кўндалангига олиб, имкони борича ернинг устки қисми ювилиб кетмайдиган чора-тадбирлар топиш керак. Бу улкан вазифа фақатгина деҳқонларимизнинг зиммасига юклатиб қўйилгани йўқ. Кимёгар олимларимиз ерларни сув ювиб кетишдан сақловчи полимерлар яратдилар. Бундай моддалар саҳро, чўл ерларга солинганда тупроқнинг ёпишқоқлиги ошиб, эрозияга чидамли бўлади.

Тупроқ таркибини яхшилайдиган омиллардан яна бири алмашлаб экишдир. Республикамизда пахта билан бедани алмашлаб экиш кенг жорий этилган. Беда икки-уч йил мобайнида ҳар гектар ерда йигирма тоннага яқин органик модда йиғади, жумладан, уч юз-тўрт юз килограммга яқин азот тўплайди. Шунингдек, тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш учун оралиқ экинлар экишни кенг йўлга қўйиш лозим. Оралиқ экинлар экилган ҳар гектар ерда тўқсон тоннага яқин органик модда қолади. Афсуски, оралиқ экинларининг уруғлари етарли миқдорда тайёрланаётгани йўқ. Бу тадбир кенг оммалашиб кетмаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда. Иккинчидан, ҳамон эрта пишар ғўза навларимиз йўқ. Оралиқ экинларидан мўл кўкпоя олиш учун ерлар ноябрь ойининг бошларида ғўзапоядан бўшаши керак. Ноябрда сепилган уруғ апрель ойига келиб гектаридан икки юз центнер кўкпоя беради. Оралиқ экинлари экилган ерларнинг унумдорлиги яхшиланади. Ҳар гектар ердан уч-беш центнергача қўшимча пахта олиш мумкин.

Сўнгги йилларда деҳқонларимизга катта ташвиш келтираётган офатлардан бири вилт — оқпалакдир. Бу касаллик фақатгина ғўзани эмас, балки барча сабзавот экинларини ҳам бирдек зарарламоқда. Олимларимиз ғўзанинг вилтга чидамли навларини яратмоқдалар. Унга қарши юқорида таъкидлаганимиздек тупроқ таркибини яхшилаш йўли билан ҳам курашилмоқда.

Кузатишлардан маълумки, ҳозир тупроқ таркибида органик моддалар камайиб кетган. Бу ҳол тупроқдаги микроорганизмларнинг йўқола боришига сабаб бўлади. Уларнинг камайиши туфайли озуқалар ерга яхши сингмайди. Шу боис, суперфосфат, калий, селитра каби минерал ўғитларнинг фойдаси кўнгилдагидай бўлмаяпти. Бунинг олдини олиш учун тупроқ таркибида микроорганизмларни кўпайтириш зарур.

Ер — гўзаллик манбаи.

У инсондаги барча нозик ҳис-туйғуларни тарбиялайди. Биз гўзаллик тушунчасини табиатда мавжуд бўлган рангларга, тиниқликка, улуғворликка нисбат бериб идрок этамиз. Шундай экан, унга нисбатан меҳрибон, ғамхўр бўлишимиз керак. Афсуски, баъзан бефарқликнинг, масъулиятсизликнинг ҳам гувоҳи бўламиз. Масалан, саноат чиқиндилари, шаҳар хўжаликларидан чиққан ахлатлар бир талай ерни банд этиб, яроқсиз ҳолга келтирмоқда. Негадир, республикамизда саноат ҳамда хўжаликлардан чиққан ахлатларни қайта ишлаш суст ривожланмоқда.

Маълумотларга кўра, 1979 йили республикамизда бир неча минг гектар ҳосилдор майдонга экин экилмабди. Бу ерларда қурилиш, қазиш ишлари олиб борилган. Лекин бу ишларнинг суръати суст, устига устак қурилишга мўлжалланган майдонларнинг ён-верига тонна-тонна бетон конструкциялар, темир-терсак, шағал, ғишт тўкилган. Бу нарсалар қурилишга ажратилганидан кўра кўпроқ ерни банд этади. Бундан ташқари ўнлаб гектар ер йўлга чиқиб кетади. Бу ҳол ерга нисбатан ҳиссиз, бефарқ муносабатдан бошқа нарса эмас. Фикримизча, қурилишга ажратилган майдонга аввало йўл солинса. Қурилиш материаллари тушириладиган майдон тайёрланиб асфальтланса, йўл четларига дарахтлар ўтқазилса. Шундан кейингина қурилишга киришилса. Бу усул аввало ортиқча сарф-харажатларга чек қўяди. Қурилиш майдонлари атрофидаги экинзорларнинг чанг босиб, турли хил касалликларга чалинишининг олдини олади. Бундан ташқари то қурилиш битгунча дарахтлар бўй чўзиб, атроф кўкаламзорлашади.

Киндик қонимиз тўкилган она тупроқ ҳар биримиз учун суюкли, ардоқли. Унинг ҳар бир қаричини асраб, авайлашимиз керак. Бу бизнинг она тупроқ олдидаги, она-Ватан олдидаги, она табиат олдидаги фарзандлик бурчимиз.

Эмин УСМОНОВ.

СПОРТ

ОЛИМПИАДА БУСАҒАСИДА

Ўтган якшанба куни «Олимпиада-80» ташкилот комитети Халқаро олимпиада комитетининг президенти лорд Килланин шарафига зиёфат берди. Зиёфатда «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, Халқаро олимпиада комитети аъзолари ҳозир бўлишди.

«Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси И. Т. Новиков сўзга чиқиб, Москва Олимпиадасига жаҳоннинг турли мамлакатларидан келаётган спорт делегацияларини самимий кутиб олинаётганликларини таъкидлаб ўтди. Халқаро олимпиада комитети президенти Москвадаги XXII ёзги Олимпиада ўйинлари муваффақиятли ўтади, деб ишонч билдирди.

Олимпиада матбуот марказидан олинган хабарга кўра, Олимпиада шаҳарчасига келаётган спорт делегацияларининг сони кун сайин ошиб бормоқда. Якшанба куни бу ерга Европа, Осиё мамлакатларидан делегациялар келишди. Ҳозиргача Олимпиада шаҳарчасига келган кишиларнинг сони 2 мингдан ошиб кетди.

ТОШКЕНТЛИК ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИ

«Буревестник» жамияти аъзоси тошкентлик найза отувчи Татьяна Бирюлина Москва Олимпиадаси арафасида жаҳон рекордчилари сафидан ўрин олишга муяссар бўлди. У мамлакатимизнинг энг кучли найза отувчи спортчиларидан бири эканлигини амалда исботлади. Кейинги йилларда Татьянанинг спорт маҳорати анча ўсди. Йирик мусобақаларда совет спорти шарафини ҳимоя қилди. Мехикода ўтказилган жаҳон универсиадасида 5-ўринни олиб, командамизга қимматли очколар келтирди. СССР халқларининг VII ёзги Спартакиадасида 7-ўринни эгаллади.

Олимпиада йилининг бошидаёқ тошкентлик спортчи мамлакат терма командаси сафидан ўрин олиш учун муносиб курашди. Ака-ука Знаменскийлар хотирасига ўтказилган мусобақаларда 4-ўринни эгаллади. Шундан сўнг у Москва шаҳар очиқ чемпионати ўйинларида иштирок этди. Бу мусобақада мамлакатимиз спортчилари билан бирга хорижий мамлакатлардан келган олимпиадачилар ҳам қатнашишди.

Т. Бирюлина ана шу мусобақаларда ажойиб зафар қучди. У найза отиш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди. Т. Бирюлинанинг натижаси 70 метр 08 сантиметрдир.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

✦ ФУТБОЛ. СССР олимпиада терма командаси катта мусобақалар олдидан сўнгги учрашув ўтказди. Дания терма командаси билан бўлган ўйинда олимпиадачиларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ

1980—1981 ўқув йилига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт турлари бўйича тренерлар тайёрлайди.

Институтда кундузги бўлим ва сиртдан ўқиш факультети бор. Кундузги бўлимда педагогика ва спорт факультетлари мавжуд.

Институтга қуйидаги спорт турлари бўйича қабул қилинади: педагогика факультетига: енгил атлетика, гимнастика, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, футбол, хоккей, сузиш.

Спорт факультетига: енгил атлетика, гимнастика, оғир атлетика, бокс, кураш (классик, эркин, самбо, дзю-до, миллий кураш), велоспорт, қиличбозлик, сузиш, эшкак эшиш.

Педагогика ва сиртдан ўқиш факультетларига кирувчилар ўзлари танлаб олган спорт турлари бўйича 3-, спорт факультетига кирувчилар эса камида 2-разрядга эга бўлишлари керак.

Ўқиш муддати: кундузги бўлимда — 4 йил, сиртдан ўқиш факультетида — 5 йил.

Институтнинг кундузги бўлимига ўрта маълумотли, ёши 35 гача бўлган ҳар иккала жинсдаги СССР гражданлари қабул қилинади.

Сиртдан ўқиш факультетига физкультура ва спорт соҳасида ишловчилар қабул қилинади (ёш чекланмайди).

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади: мутахассислик (ўзи танлаб олган спорт тури), умумий жисмоний тайёргарлик, химия (оғзаки), биология (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (ёзма).

1980 йил 1 июлдан бошлаб абитуриентлар учун енгил атлетика, гимнастика ва сузишдан ўқув-машғулот дарслари уюштирилади.

Институтга қабул қилинганлар табелда кўрсатилган спорт формаси ва умумий қоидага мувофиқ давлат стипендияси билан таъминланади.

Ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 3x4 см. катталикдаги 7 та фотосурат, медицина кўригидан ўтганлиги тўғрисида 286-формадаги справка, янги ГТО комплекси нормативлари топширилганлиги тўғрисида гувоҳнома, классификацион билет (спорт разряди мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат), меҳнат дафтарчасининг нусхаси, охирги иш ёки ўқиш жойидан характеристика.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Студентлар составига киритиш 21—25 августда ўтказилади.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 95-уй.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1980 йилда ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БУЛИМЛАРГА қуйидаги мутахассисликлар бўйича ТУЛИҚСИЗ УРТА ВА УРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

самолетсозлик, металларни совуқ ҳолда қирқиб ишлаш, асбоблар ишлаб чиқариш, саноат ускуналарини ремонт ва монтаж қилиш, машинасозлик, саноат корхоналарида иқтисодий ва планлаштириш ишлари, программа билан бошқариладиган станокларни созлаш ва ундан фойдаланиш.

Уқиш муддати ўқувчиларнинг маълумоти ва танлаган мутахассисликларига қараб 2,5 йилдан 4,5 йилгача.

Аризалар, танланган мутахассисликларни кўрсатиб, қуйидаги ҳужжатлар билан техникум директори номига ёзиб топширилади: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасининг копияси (1 йилдан ортиқ меҳнат стажи бўлса), олтита фотосурат 3x4 см. ҳажмида, корхона маъмурияти томонидан берилган йўлланма (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ва ажралган ҳолда ўқувчилар учун). Туғилиш гувоҳномаси ёки паспорт ва ҳарбий билет ҳужжатларни топшириш вақтида кўрсатилади.

Аълочилар, медалистлар ҳамда кириш имтиҳонларига киритилган фанлар аъло ўзлаштирилганлиги учун мақтов варақалари билан тақдирланган ўқувчилар ва СССРнинг Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилган (саломатлиги юзасидан, штатлар қисқариши ва ёшлари ўтиши сабабларига кўра) офицерлар, прапоршчиклар ҳамда мичманлар техникумга кириш имтиҳонларидан озод қилиниб қабул қилинадилар.

ҚОЛГАНЛАР ЭСА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлар: ўзбек тилидан ёзма (диктант), математикадан оғзаки (мактабларнинг янги ёки эски программалари асосида).

Урта маълумотга эга бўлганлар: ўзбек адабиётидан ёзма (иншо), математикадан оғзаки (мактабларнинг янги ёки эски программалари асосида).

ҚАБУЛ ТАРТИБИ ҲАММА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН УМУМИЙДИР.

Техникум ётоқхона билан таъминламайди. Ойлик стипендия мутахассисликка қараб 30 сўм ва 45 сўм.

Аризалар кундузги бўлимга: тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлар учун 31 июлгача.

Урта маълумотлилар учун 14 августгача.

Кечки бўлимга: 8-синф ҳажмида маълумотлилардан 6 августгача қабул қилинади, 10-синф ҳажмида маълумотлилардан 15 ноябргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича қабул комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Техникумнинг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 12-уй (2, 3, 4, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайлар, 5, 6, 26, 37, 58э, 64, 65, 70, 71-автобуслар, 1, 8, 11, 13, 16-троллейбусларнинг «Революция хиёбони» ва «Куйбишев кўчаси» бекатлари). Телефонлар: 32-78-89, 33-02-23.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича ПРОФЕССОР-УҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

мудирлар: микробиология;

профессорлар: коммунал гигиена;

доцентлар: санитария-гигиена факультетининг ички касалликлар кафедраси, акушерлик-гинекология, сиёсий иқтисод;

ассистентлар: онкология, акушерлик-гинекология (2 ўрин), нейрохирургия (2, 75 ставка), умумий генетика билан биология;

катта ўқитувчилар: гистология (2), КПСС тарихи, рус тили махсус курси.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700033, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефонлар: 66-98-59, 32-35-36.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй) троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсантларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. Сўнгра ҳайдовчилар трамвай-троллейбуслардан бепул фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлик курсантлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Депо ишчилари формали кийим-бош билан (50 процент ҳақда) таъминланадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.40 — Фильм-спектакль. 12.15 — Олимпиада—80 шаҳарлари. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Ёш спортчининг катта майдони. 16.50 — «Парус» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 17.00 — Электрониканинг саргузашти. Бадиий фильм. 1-серия. 18.15 — Қалбга яқин қўшиқлар. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия ҳақида диалоглар. 23.35 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 11.55 — Қувноқлар даврасида. 12.25 — Ким бўлсам экан? 12.55 — Асов кема. Бадиий фильм. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Тенгдош. 19.05 — Партия турмуши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.15 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ишга тушириладиган объектлар. 22.25 — У. Усмонов. Гирдоб. Телевизион видеофильм. 1-қисм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Она тили. 20.55 — Реклама. 21.10 — Математика. 22.10 — Нур ва соялар. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — «Ялла» вокал-чолғу ансамбли куйлайди. 12.10 — Илҳомбахш меҳнатимиз — КПСС XXVI съездига. 13.00 — Илғор тажриба мактаблари маршрути бўйлаб. 13.30 — Социалистик мусобақа илғорлари сизлар учун. 14.00 — Коммунистлар ибрати. 18.50 — Ёшлик. 19.45 — Музикали танаффус. 20.25 — М. Тошматов куйлайди. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Область театрларининг солистлари куйлайди. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 00445. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 163. 9